



ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИНИ САМАРАЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ҲУДУДЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДАГИ ЎЗХДП ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ ЯНАДА ТАШАББУСКОР БЎЛИШИ, ФАОЛЛИК ВА ТАЛАБЧАНЛИК БИЛАН ИШЛАШИ ЗАРУР.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОЙИШИ

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ РЕЙТИНГИНИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА ИШЧИ КОМИССИЯСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқаро тажриба, талаблар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда мамлакат олий таълим муассасаларининг илмий-педагогик фаолияти рейтинг баҳосини ҳолисона аниқлаш принциплари, ёндашувлари ва мезонларини синов тарзида апробация қилиш мақсадида:

1. Бунинг учун иловага мувофиқ таркибда Ишчи комиссияси тузилсин.

2. Ишчи комиссияси (Б.Ю.Ходиев) икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги 371-сонли қарори билан белгиланган олий таълим муассасалари тузилмаси рейтинг баҳолари тизими балларининг кўрсаткичлари ва даражасини, уларнинг халқаро мезонлар ва стандартларга мослиги, олий ўқув юртлари илмий ҳамда педагогик фаолияти даражаси ва сифатини ошириш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида талаб қилинаётган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида вазифаларини танқидий қайта қўриб чиқсин.

Бунда олий ўқув юртлари илмий-педагогик фаолиятининг қўйидаги энг муҳим мезонларига алоҳида эътиборни қаратиб, юқори баллар белгилансин: чет эллардаги олий ўқув юртлари билан қиёслаганда ўқитиш савияси ва сифати, профессор-ўқитувчи кадрларнинг малака даражаси, уларнинг ўқитишни халқаро талаблар даражасида таъминлайдиган замонавий педагогик технологияларни эгаллашгани, мамлакатимиз олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг чет эл олий ўқув юртларида маърузалар ўқишдаги иштироки;

олий ўқув юртларини битириб чиққанларнинг мутахассислиги бўйича ишга жойлашув даражаси ва олий ўқув юртларининг кадрлар тайёрланаётган корхоналар билан ишлашини ташкил этиш сифати;

олий ўқув юртларида ўтказилаётган илмий-техник ишлар

рининг самардорлиги, энг аввало экспериментал-лаборатория базасининг ҳолати, уларнинг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиш даражаси, корхоналар, илмий-тадқиқот институтлари ва конструкторлик бюрolari базасида илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш.

3. Ишчи комиссияси (Б.Ю.Ходиев):

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда 2013 йилнинг 1 ноябига қадар муддатда юқори босқич педагогик фаолиятининг махсус соҳа фанлари бўйича билимлари даражасини ва олий ўқув юртида мутахассислар тайёрлаш сифатини баҳолаш учун дарсларни ўзлаштириш савиясини аниқлаш мақсадида танлаб олиб тест синовларидан ўтказсин;

эксперт гуруҳлари иштирокида 2013 йилнинг 1 декабрга қадар муддатда эксперимент тарқасида 2-бандда баён этилган принцип ва мезонлар асосида олий таълим муассасаларининг рейтингини баҳоласин; ўтказилган ишларнинг натижалари бўйича 2014 йилнинг 1 январига қадар муддатда олий ўқув юртлари рейтингини баҳолаш тизими ва методикасини, шунингдек, улар фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш бўйича аниқ тақлифлар билан бирга якуний ахборотни Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига тақдим этсин.

4. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И.Икромов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ж.Ф.Исмоилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2013 йил 14 август



ЖИЗЗАХ:

МУСТАҚИЛЛИК БЕРГАН ИМКОНИАТЛАР

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратишда муҳим омил бўлаётир

Бугун мамлакатимизнинг ҳар бир гўшаси, маҳалла, хонадонда, ҳар қайси юртдошимиз қалбида байрам шукҳи ҳукмрон. Буни Жиззах вилояти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Жиззахликлар мустақиллигимизнинг қўлғуси 22 йиллигини муносиб қўтиб олмақда.

(Давоми 2-бетда.)

«Энг муқаддас бойлигимиз — Истиқлолимиз!» танловига

Гурурли киши катта ишларга қодир бўлади

Обод турмуш йили — бу бутун халқимизнинг руҳиятидаги кўтаринкилик, қалбида гўзалликка бўлган буюк интилишнинг айнаи ўзи экан. Кўтаринкилик — ғайрат экан, шижоат экан, янгилеклар яратишга, бунёдкорликка, ҳамкорлигу аҳилликка юксак имконият экан. Меҳрли, муҳаббатли муаллимлар, мактаб, коллежларда илмга, юксакликка интилаётган ўқувчилар билан бўлган учрашувларимда, бобо деҳқону ғайратли ёшлар билан сўхбатлашганимда бу олийжаноб қадриятни янада теранроқ ҳис қилдим.

Бу гўзал ҳолатни яқинда Пискент туманида бўлганимда тақрор кўрдим, кузатдим ва имкон даражасида эслаб қолдим. Кузатганим юксак қайфиятни туманининг поён-

сиз пахтазорларида, бугдойи ўриб олиниб тақрорий экин экиш учун ҳайдаб қўйилган унумдор ерларига сабзи, картошка эканганлар орасида кўрдим. Яқинлашиб ке-

лаётган катта тўйимизга яхши ният билан тўёна ҳозирлаётганлар билан сўхбатда бўлдим.

Тоғ этакларидан Тошкент денгизигача бўлган серунум ерларда 80 мингдан ортиқ аҳоли яшайди, 10185 гектар ерга чигит қадалади. 9200 гектар майдонга бугдой экиб, юксак хирмон кўтарилади. Бу хирмонлар ҳақида кўп-кўп мактовлар ҳам бўлиб туради. Пискентнинг шираси тилини ёрайдиган ширин-шакар узумлари, ранг-баранг полиз экинлари, айникса, шифобахш картошкалари, навбатдаги ҳосилгача бузилмай, таъмини йўқотмай етиб борадиган хуштам сабзиларига кўп таърифлар берилган. Аммо Пискентнинг энг катта бойлиги меҳнаткаш, тангли, гурури баланд одамларидир.

⇒ 3

ЎЗХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

боғлиқ қатор ижтимоий масалалар жойларда ўз ижобий ечимини топиш учун ҳар бир депутат зиммасидаги масъулиятни чуқур англаши, ишни мутлақо янгича асосда ташкил этиши лозим.

Янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича партияимиз Дастурида белгиланган вазифалар ижросини қўлайлаштириш учун жойлардаги муаммоларни таҳлил этиб, улар ечимини топиш учун сессиялар муҳокамасига олиб чиқиш тажрибасини изчил ривожлантириш зарур. Очиғини айтиш керак, барча депутатлик гуруҳларимиз фаолиятини ижобий деб бўлмайди. Айрим туманларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами дуч келаётган муаммолар ҳамон ечимини топмасдан ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Депутат ўз сайлов округидаги маса-

лаларга бефарқ қараб турса, амалий натижага эришиб бўлмайди.

— Жамоатчилик қабулхоналари электроташкилот манфаатини ҳимоя қилишнинг самарали воситаси экани бугун бarchамизга аён, — дейди халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши депутати Гулжаҳон Қаршиева. — Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида маҳаллий партия кенгашлари Жамоатчилик қабулхоналарига 160 та мурожаат тушди, мутасадди ва ҳамкор ташкилотлар ёрдами билан ҳозиргача уларда қўтарилаётган муаммоларнинг 73 фоизи ижобий ҳал этилди. Қабулхонага тушган мурожаатларни ечишда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари ўртасидаги ҳамкорлик яхши самара бермоқда.

(Давоми 2-бетда.)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 14 август куни Оқсаройда «Боинг — фуқаро самолётлари» компанияси президенти, «Боинг» корпорацияси вице-президенти Рэймонд Коннерни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қўллар экан, «Боинг» компанияси замонавий йўловчи самолётлари етказиб бериш, фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш соҳасида Ўзбекистоннинг ишончли ва узоқ муддатли ҳамкори эканини таъкидлади.


Бугунги кунда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Боинг» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 15 самолётдан фойдаланмоқда. Авиаташувларнинг ярмидан кўпи, жумладан, АҚШ ва Япония каби узоқ мамлакатларга парвозлар ушбу замонавий ҳаво кемаларида амалга оширилмоқда. 2016 йилда яна иккита «Боинг 787-800 Дримлайнер» самолёти етказиб бериш режалаштирилган.

Миллий авиакомпаниямиз учун учувчилар тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг ўқув-машғулот марказини машқ ускуналари билан жиҳозлаш, Тошкент шаҳрида «Uzbekistan Airways Technics» авиакорхонаси негизида самолётлар конструкциясининг йирик композит қисмларини таъмирлаш минтақавий марказини ташкил этиш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Рэймонд Коннер самимий қабул, очик фикр алмашув ҳамда «Боинг» компанияси фаолиятига берилган юксак баҳо учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этиб, ўзи раҳбарлик қилаётган компания ўзбекистонлик шериклар билан ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканини билдирди.

ЎЗА

Дўстлик ва эзгулик оҳанглари



Ҳар бир халқнинг ўзига хос санъати, мусиқаси, ижрочилик анъаналари бор. Мусиқа санъатининг ноёб намуналарини тарғиб этиш орқали жаҳон халқлари ўртасида дўстлик ва маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш, инсонларни эзгулик ва бунёдкорлик ғоялари атрофида бирлаштиришда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 1997 йилдан бундан ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бекиёс аҳамият касб этмоқда.

«Шарқ тароналари» III халқаро мусиқа фестивалининг биринчи ўрин соҳибини, Ўзбекистон халқ ҳофизини Абдунаби ИБРОҲИМОВ билан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбирининг сўхбати мазкур фестивалнинг мумтоз мусиқа меросимини асраб-авайлаш ва ривожлантиришдаги роли, бу борада амалга оширилаётган ишларни хусусида бўлди.

⇒ 4

Партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиклиги таъминланишидан манфаатдор

⇒ 2

Мақсадга эришиш учун

ишга масъулият ва талабчанлик билан ёндашмоқ лозим

Сайловчи партияга катта ишонч билдириб, унинг номзодларига овоз берди. Депутатликка партия кўрсатган номзод халқ вакили сифатида сайланди. Билдирилган ишонччи оқлаш учун эса одамлар қувонч ва ташвишларига шерик бўлиб яшаб, уларнинг манфаатларини дадил туриб ҳимоя қилиш керак.

ЎЗХДП Марказий Кенгаши раиси Хотамжон Кетмонов Навоий вилоятида маҳаллий партия кенгашлари раислари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари раҳбар-

лари иштирокида ўтказилган семинарда фаоллар эътиборини ана шу масалага қаратди. Семинарда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда партия ташкилотлари ва депутат-

лик гуруҳлари иштирокини янада қўлайлаштириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, жойларда электроташкилот вакилларини ўйлантираётган масалаларни ечишда депутатлар ваколатидан самарали фойдаланиш бўйича фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

— Депутат катта ваколат ва имкониятга эга, — деди Хотамжон Кетмонов. — Биз депутатларимизнинг куч ва салоҳиятидан унумли фойдаланишимиз керак. Партияимиз электроташкилотлари манфаати билан

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!



«Энг муқаддас бойлигимиз — Истиқлолимиз!» танловига

Ғурурли киши катта ишларга қодир бўлади

Улар бу йил пилла тайёрлаш шартномасини вилоятда биринчи бўлиб бажарганлар, мактовлар эшитганлар. Ғаллакорлари эса шартномани ҳам тез, ҳам сифатли бажаришда вилоятда биринчи ўринни эгаллаганлар.

— Биз биринчимиз!
— Биз ғолибимиз!
— Биз яна ғолиб бўламиз!

Қалбларга рағбат берувчи, ғайрат бағишловчи сўзларни ғаллакору пахтакорлар, қорвадору боғбонлар билан суҳбатлашганимда қайта-қайта эшитдим. Мақтаниш учун эмас, вужудларида беркинбиб ётган кучни, иродани кўпроқ ишга солиш учун айтаётганларини сезиб турдим. Ғурурли кишиларнинг мақсади юксак бўларкан, юксак мақсадлилар билан суҳбатлашиш кишига мароқ бағишларкан.

Файзиёб далаларни, шигил мевага кирган боғларни, менга қачон экан экан деб бағрини очиб турган далаларни айланиб қайтгач, ҳокимиятда раҳбарлар билан учрашмоқчи бўлди.

Ҳоким далада, экан.
Уринбосарини сўрасак:
Хозир ҳамма далада, — деган жавобини олди.

Тўрида, хозир бўлиқ ўсган ғўзалар айна ҳосил йиғадиган палла. Вақтида суғорилмас, ўғит берилмас, культивация қилинмас, ҳосилнинг бир қисмини йўқотиб қўйиш мумкин.

Ҳа, бундай пайтларда раҳбар борки, далада бўлгани, муаммо ечимини ўша ерда топгани маъқул. Ана шундай пайтларда туман раҳбарлари тонг билан тенг уйғонишаркан. Кўёш ўз ётоғидан чиқиб, тоғлар оша кўтарилиб экинзорлар юзига қайноқ нуралирини сочаётганда улар кўпична далада деҳқонлар ёнида бўлар эканлар. Биргаллаш иш режаларини тузишаркан. Эҳтимол шунинг учундир биринчи кун мен кишлоқ хўжалик бўлиминин бошқараётган йигитлар билан учрашиш имкониятини тополмадим. Ниҳоят, Шўхрат Инёбонов, Саидкарим Тўланов билан учрашиш имконияти туғилди. Ҳар бирида ўзига яраша қўвонч, далада қўриб келган муваффақиятли ишлар учун ғурур борлиги шундоққина сезилиб туради.

Яна бир хайрли ишнинг гувоҳи бўдим. Туманин 8 худудга бўлишган. Ҳар бир худуднинг ном

(Давоми. Боши 1-бетда.)



чиқарган қарвонбошиси ҳам бор. Бу қарвонбошилар экишда, парваришда, ҳосилдорликни оширишда маслаҳатлар бериб тураркан. Аликул Исҳоқов, Шўхрат Дўстбеков, Бехзод Отақўзиев сингари фикрли, мулоҳазали, кўпни кўрган, тажрибали кишилар раҳбарлик қилаётган «Жаҳонгир», «Шўхрат», «Отақўзиев Машраб», «Башорат барака» сингари хўжаликлар ҳақида алоҳида ургу билан, тўлқинлиб гапиряптилар.

Улар экиш, экинни парваришда бўйича маслаҳат қилишар экан. Гоҳи баҳслашиб ҳам олишаркан. Энг муҳими, улар бир-бирларига ҳамкор, ҳамнафас экан. Бу гапларни бизга ёш мутахассислар айтиб беришди. Айниқса, иқтисодчи Саидкарим Тўланов ёниб, қуйиб гапиряпти. Далада туғилиб, далада ўсиб, далада қамолга етган бу йигит мана 17 йилдан буён шу бўлимда иш олиб бораётган экан. Қизиқ, ҳамма хўжаликларни «ипидан игнасига» билиб олган экан.

Биз у билан суҳбатлаш, суҳбатлаш мактовга тушган «Каримов Холмурод» хўжалиги томон боряпмиз. Даласидаги текис ўсган ғўзалар қийос гулга кирган. Гул шопага, шопа қўсақка айланган бир табиий ҳолатни кўзга қўйган бўламиз. Гоҳ дала бошида, гоҳ ўртасида тўхтаб ҳар бир тупда очилган гулу, шопаю, қўсақларни санаб кўрамиз. Бўлиқ ўсган ғўза навларининг бир хиллари ҳосилини кўз-қўлаб, яна шунча гул шопа, яна шунча қўсақ бераман дейтгандек, бир хил нимжон ўсган ғўзалар эса қўсақ

туғишга улгура олмаганидан хижолат ичра бошларини эгиб тургандек. Фарҳоджон исмли ёқимтойгина, сўзлаганда қулиброк, гоҳо ўйланиб-ўйланиб, тўхтаб-тўхтаб гапирадиган бир йигит раҳбарлик қилар экан. Ёши 26 да. Енг шимариб, белини маҳкам боғлаб далага чиққанига 9 йил бўлибди. 9 йилдан буён тунлари, ойдан кечаларда осмондаги чарақлаб турган юлдузлар билан, кундузлари ҳар қаққада юксакка интилаётган, буй чўзаётган ғўзалари билан гаплашаркан. Пахта ҳосилдорлигини 40 центнерга етказибди.

Йигит сўзлашдан тўхтаб, тўсатдан:

— Ёзувчи амаки, бир нарса сўрасам майлими? — деди.

— Айтинг, — дейман.

— Нега ёш фермерлар ҳақида китоб ёзмайсизлар?

— Ёзилмапти.

— Ёзилган бўлса айтинг, қайси дўқонда сотилапти.

Бир сўз айтишим керак эди, ўша сўзни тополмайроқ турибман. Фарҳоджон ҳамон эътирозли оҳангда саволлар берапти:

— Сувчилар қандай ҳам китоб ёзилмаган, тўғрими?

— Зўр сувчиларингиз борми?

— деб сўзни сал бошқачароқ томонга бурмоқчи бўламан.

— Зўр сувчиларим бор. Хув ана, пайкал ичда юришибди. Улардан бирининг исми Отабек. Ки-сакларни санаб кўрамиз. Бўлиқ ўсган ғўза навларининг бир хиллари ҳосилини кўз-қўлаб, яна шунча гул шопа, яна шунча қўсақ бераман дейтгандек, бир хил нимжон ўсган ғўзалар эса қўсақ

Билиб қўйинг, менинг сувчиларим қўшни хўжаликда ишлаётган сувчиларни доғда қолдирадди, керак бўлса ўргатиб ҳам қўйишди.

«Ватан» хўжалиги Фарҳоджоннинг ерлари билан туташ, ёндош, ораларини паст-баланд марзалар ажратиб туради. Лекин буларнинг ўртасида «сендан кам эмасман» дегандек ғайратга, шижоатга ундовчи кучли рақобат бор экан. Фарҳоджон «менинг сувчиларим «Ватан» хўжалигининг сувчиларидан яхшироқ» дея гапини тугатгач, «Ватан» хўжалиги чайласига бордик.

«Ватан» хўжалиги йигитлари тушликка чиққан пайт экан. Бахаво, ёнидан шарқираб сув оқаётган қамиш чайлада 11 йигит билан бақамти ўтириб тушлик қилдик. Ўзлари саратон офтобидан қорайган, қўсилари баланд, беллари бақувват бу йигитлар билан тезгина суҳбатга ҳам киришиб кетдик.

Йигитлар мендан ёзувчилар, китоблар ҳақида саволлар беришди. Мен улардан дала ишлари, режалари ҳақида сўрайман. Уларнинг сарқори Расулжон Соипов сўзлашдан тўхтаб тўсатдан:

— Ёзувчи амаки, Фарҳоднинг ғўзаларини айландирингиз-а, — деб сўради.

— Ҳа, — дейман.

— Ғўзаларнинг кўсагини ҳам санадиларингиз-а?

— Ҳа, санадик, — дейман.

— Айтинг-чи, нечтадан қўсақ олибди?

Мен қўшни фермер ғўзаларида 12-14 қўсақ санаганимни айтмаман.

— Майли, омадини берсин, лекин меники ундан кам бўлмаслиги керак, юринг, еримни айланамиз, яна айтмоқчиман, менинг сувчиларим ҳам унинг сувчиларидан кам эмас. Ёзангиз, бизнинг сувчиларини ҳам қўшиб ёзасиз. Гектаридан 40 центнердан ошириб пахта олишимизда мана шу сувчиларимнинг ҳиссаси бор.

Бу икки дўст ва рақобатчи суҳбат орасида «Амрихон Гулбаҳор» хўжалигини тез-тез эсга олиб туришди. Интилсак, ўшанга интилаётимиз. Ўшасак, ўшанга ўхшаб кенг миқёсли хўжалик ташкил қиламиз, деган гапларни айтишга эришдик. Улар мақтаган, тақдир қилаётган, ўшанга ўхшаган интилаётган «Амрихон Гулбаҳор» хўжалигига борамиз.

Бекиёс, катта шийпон, бир-биридан гўзал иморатлар, ўнг томонда мевазор боғ, чап томондаги ховузда ғўзалар, ўрдақлар сузиб юрибди.

Тасодифни қарангки, бу ерда ҳам вақтимиз тушлик пайтига тўри келиб қолди. Тушлик давом этапти-ю, ўз-ўзидан китобхонлик ҳам бошланди-кетди. Даврадагиларнинг аксарияти ёшлар экан. Уларнинг раҳбари Сафармурод Каримов экан. Ёши улуг бўлганиданми ёки ҳар бир ишчисига меҳр кўрсатиб меҳрибонлик билан бошини силаётгани учунми унга «Ота» деб мурожаат қилишар экан. Ота туман марказига кетган экан.

— Афсус, Отадан сўраб кўп нарсани ёзиб олмоқчи эдик, — деймиз.

Қизлар, йигитлар, тушлик қилгани келган сувчилару механикаторлар бирдан кўзғалиб «биз отанинг ёрдамчиси бўламиз, керак нарсани мана биз айтмамиз», дейишди.

— Қани, айтинглар-чи, — деймиз ёзиб олиш учун қолганим. Тўпланганлар бир-бирига гал бермай мен сендан кўпроқ билан, кўпроқ айтман, дегандек навбат талаша бошладилар.

— Еримиз 400 гектар!

— Пахта майдонимиз 200 гектар!

— Бугдойзоримиз 190 гектар, гектаридан 45 центнердан ҳосил олдик.

— Пахтани 40 центнердан кам бермаймиз.

— Саксон бош қорамолимиз, 200 бош қўйимиз бор, кеккайиб сузадиган ғўзаларимиз, 4 та чопиқ тракторимиз бор.

— «Класс» комбайнимиз бор.

— 10 гектар мевазор боғимиз бор...

Рақамларни айтиш, бир-бирига сўз бермаслик, мен сендан кўпроқ биланмен дейиш учун мақтаниш авҳига чиқиб бораёпти. Ёшлар мана шу моддий бойликларни бамисоли менинг ўзим яратдим дегандек ғурур, ифтихор билан сўзлашапти. Ҳатто миллион тул теракларни борлигини, уй қурмоқчи бўлган йигит-қизларга ҳар бирига 40 тупдан беришаётганини ҳам қўшиб айтишапти.

Гўё бу ерда тўпланган ёшлар бутун туман меҳнаткашларининг ғурури, ифтихорини ифодалаётгандек. Оталару оналаримиз ўрнига энди сўзни мана биз айтмиш, катта тўй яқинлашиб келаяпти, ўша тўйга катта тўнани мана биз қиламиз, дейтгандек бир ҳолатда фикр билдиришяпти. Ўз орзу ниятларини талашиб-талашиб айтишапти. Улар бутун тумандаги кўтаринкилик кайфиятини сўзларига жамлаб айтишгаётганга ўхшапти.

Худойберди ТЎХТАБОВЕВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.



Хориж

2010 йилдаги ҳодиса

энди таҳлил қилинди

Сатурн сайёрасида 2010 йили юз берган табиий ҳодиса шу пайтгача олимлар томонидан ўрганилмакда эди. Ниҳоят унинг «тағига етишди».

Гап шундаки, испаниялик астрономлар томонидан «Nature Geoscience» журналида эълон қилинган мақолада қайд этилишича, 2010 йили Сатурн сайёрасида жуда улкан тўфон юз берган. Уни Ердagi оддий телескоплар ёрдамида ҳам кўриш имкони бўлган.

Сайёрадаги «Cassini» зондидан олинган маълумотлар асосида ўтказилган тадқиқотда шу нарса аниқландики, Сатурн атмосферасининг юқори қатламида шомол тезлиги соатига 570 километрга етган. Бу сониясига 160 метр, дегани. Таққослаш учун Ердagi бундай ҳодисани мисол келтирадиган бўлсак, бизнинг сайёрамизда энг кучли тўфон тезлиги сониясига 140 метрга етган ва у йўлидаги барча нарсаларни бутунлай яқсон қилган. Сатурндаги тў-



фон эса 10 минг километр диаметрга эга бўлиб, 300 километргача чўзилган.

Сайёра қатламида юзага келган бу тўфон унинг атмосфераси юқори қатламидаги булутлардан ҳам 44 километр юқорига кўтарилган. Тўфон натижасида атмосфера юқори қатлами 140 метрга етган ва у йўлидаги барча нарсаларни бутунлай яқсон қилган. Сатурндаги тў-

фон эса 10 минг километр диаметрга эга бўлиб, 300 километргача чўзилган.

Сайёра қатламида юзага келган бу тўфон унинг атмосфераси юқори қатламидаги булутлардан ҳам 44 километр юқорига кўтарилган. Тўфон натижасида атмосфера юқори қатлами 140 метрга етган ва у йўлидаги барча нарсаларни бутунлай яқсон қилган. Сатурндаги тў-

Автомобилнинг ўзи

гаражга жойлашади

Бундан бир неча йиллар аввал автомобилнинг ўзи, яъни ҳайдовчисиз ўт олиши мумкинлиги ҳақидаги гаплар эртакка ўхшаб туюлар эди. Мана, бутун уйда ўтириб олиб машинани ўт олдириш, «сигнализация»ни қўйиш ва узиш, сигнал чалиш янгилик эмас.

Аммо машинанинг ўзи ҳайдовчисиз ҳаракатланиши ва ўзи бўш жой топиб, ўша жойда тўхташиб, керак пайтда ҳайдовчининг олдига бориши, гаражга кириши ва чиқиши мумкинлиги ҳақидаги гаплар ҳам тарқалмокдаки, демак, бу ҳам яқин кунларда воқеликка айланишига беихтиёр ишонсан киши.

Дарҳақиқат, «Volvo» автомобиллари ҳайдовчисиз машина ҳаракатланишини таъминловчи автоматик тизим яратди. Бу тизимни ҳайдовчи машинадан тушиб, смартфон ёрдамида бошқариши ёки аввалдан хотирасига ёзилган «ёслатма» бўйича ҳаракатланишини таъминлаши мумкин. Яъни машинанинг турли жойларида ўрнатилган сенсорлар ва датчиклар бу вазифани беҳато бажаради.

«Newsru.com» сайти хабар беришича, яқинда бу янгилик синовдан ўтказилди. На-тижа чакимас. Эндиликда бу тизим оммавий ишлаб чиқа-



ришга жорий этилса бас.

Шундай қилиб, автокомпания маъмурияти келгуси йилнинг охиридан уни сотувга чиқариши мўлжаллаб турибди.

Худди шундай тизим «Audi» компанияси томонидан ҳам яратилмокдаки, у ҳам яқин кунларда ҳаётда ижобатини топиши турган гап.

Дарвоқе, «Volvo» автокомпанияси маъмурияти компания томонидан ишлаб чиқарилган автомобиллар шундай жиҳозланадики, 2020 йилдан кейин яратилган бу автомобиллар умуман автохалокатга учрамайди. Яъни унда жойлаштирилган турли сенсор ва датчиклар автохалокатнинг олдини олишга жиҳмат қилади.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2013 йилда қурилиши, реконструкция қилиниши режалаштирилган куйидаги объектларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШНИНГ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошлангич нархи		Қурилиш муддати
		ҚҚСсиз	ҚҚС билан	
Лот 1-6:				
Лот-1	Булунгур тумани, Чорбоғ МФЙ, Чорбоғ қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	144 583 333 сўм	173 500 000 сўм	3 ой
Лот-2	Булунгур тумани, Навоий ҚФЙ, Чангал МФЙ, Муғол қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	152 666 667 сўм	183 200 000 сўм	3 ой
Лот-3	Жомбой тумани, Шерқўрғон ҚФЙ, Тегирмонбоши қишлоғида сув тармоғи қурилиши	182 500 000 сўм	219 000 000 сўм	3 ой
Лот-4	Иштихон тумани, Орлат МФЙ, Орлат қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	118 750 000 сўм	142 500 000 сўм	3 ой
Лот-5	Иштихон тумани, Зарбанд ҚФЙ, Қуйиқаҳар қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	114 494 388 сўм	137 393 266 сўм	3 ой
Лот-6	Қўшабод тумани, Қийқим ҚФЙ, Қийқим қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	125 833 333 сўм	151 000 000 сўм	3 ой
Лот 2-4:				
Лот-1	Каттақўрғон тумани, Мойбўлоқ ҚФЙ, Андоқ маҳалласи, Себустон қишлоғида сув тармоғи қурилиши	189 166 667 сўм	227 000 000 сўм	3,5 ой
Лот-2	Нуробод тумани, Сазагон МФЙ, Сазагон қишлоғида сув иншооти ва тармоғини реконструкция қилиш	100 416 667 сўм	120 500 000 сўм	3 ой
Лот-3	Нарпай тумани, Қорақўл ҚФЙ, Чархин қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	763 416 667 сўм	916 100 000 сўм	4 ой
Лот-4	Самарқанд тумани, Улугбек ҚФЙ, Янгиариқ маҳалласида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	103 333 333 сўм	124 000 000 сўм	3 ой
Лот 3-6:				
Лот-1	Пастдарғом тумани, Бешқашрам ҚФЙ, Зармон маҳалласида сув иншоотини реконструкция қилиш ва сув тармоғи қурилиши	127 583 333 сўм	153 100 000 сўм	3 ой
Лот-2	Пахтачи тумани, Хайриобод ҚФЙ, Сарой маҳалласида сув тармоғи қурилиши	256 750 000 сўм	308 100 000 сўм	3 ой
Лот-3	Самарқанд тумани, Каттақўрғонариқ ҚФЙ, Туркман маҳалласида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	111 250 000 сўм	133 500 000 сўм	3 ой
Лот-4	Тайлоқ тумани, Тайлоқ ШФЙ, Янги Тайлоқ маҳалласида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	125 833 333 сўм	151 000 000 сўм	3 ой
Лот-5	Ургут тумани, Илонли ҚФЙ, Санчикўл маҳалласида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	126 666 667 сўм	152 000 000 сўм	3 ой
Лот-6	Ургут тумани, Мирзақишлоқ ҚФЙ, Мерганча масивида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	132 083 333 сўм	158 500 000 сўм	3 ой

Қурилиш ишлари республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилоят қурилишда танлов савдолари ва нахрларни шакл-

лантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Қўсарой майдони, 1-уй, телефон: (8366) 231-10-93.

Реклама

«TASHKENT PROF INVEST» МЧЖ РИЭЛТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади

Очиқ аукцион савдоларига «KINDER FRUITS» МЧЖнинг Каттақўрғон филиали (консерва заводи) қўйилмокда:

Мулкнинг номи ва ташкилий-хўқуқий шакли	Мулкнинг асосий фаолият йўналиши ва жойлашган манзили	Мулкнинг бошланғич баҳоси (сўм)	Савдо тури (аукцион ёки бошқа)	Савдо шакли
«KINDER FRUITS» МЧЖнинг Каттақўрғон филиали (консерва заводи) бино-иншоотлари, мол-мулклари билан яхлит ҳолда, тўлиқлигича сотилади	Мева-сабзавотларни қайта ишлаб чиқаришга мўлжалланган мулккий мажмуа. Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳри, Ингичка кўчаси, 10-уй	7 936 372 241,0	Аукцион	Очиқ

Очиқ аукцион шартлари:

Очиқ аукцион ғолиби улушининг сотилиш баҳосидан 15 фоизни миқдордаги маблағни савдо ўтказилгандан сўнг, бўнак пули сифатида, қолган қисmini бир йил муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютлада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютладаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблағларни харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб бериш шарти билан сотилади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини таъ-

минлаш билан боғлиқ барча харажатлар (шу жумладан нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар), очик аукцион савдоларининг ташкилотчисига тўланадиган комиссиясони тўловлар ва бошқа юзага келадиган харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Аукцион савдосини ўтказиш кўнлари: 2013 йил 19, 26 сентябрь, 3, 10, 17, 24, 31 октябрь, 7, 14, 21, 28 ноябрь.

Аукцион савдолари соат 16-00да бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амр Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-

Дўстлик ва эзгулик оҳанглари



— Ҳар бир халқ умуминсоний тамаддунга ҳисса қўшиш мақсади билан яшайди. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали жаҳон халқларини ана шу эзгу мақсад йўлида бирлаштиришда, — дейди А.Иброҳимов. — Бу Ватанимиз азалдан жаҳон тамаддини бешиқларидан бири бўлгани, истиқлол халқимиз учун чинакам маънавий тикланиш ва юксалиш йўлини очиб берганининг амалдаги яна бир ифодасидир.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий мусиқа санъати ривожига қаратилган юксак эътибор, мунтазам ўтказиладиган турли кўрик-танлов ва фестиваллар мумтоз меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш, янги истеъдод соҳибларини аниқлаш ва юксак ижодий марралар сари илҳомлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«Шарқ тароналари» фестивалининг мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислохотлар жараёнида миллий маданиятнинг ривожланиш йўллари белгилаб олиш, миллий ўзига хослик ва дунёвийлик мутаносиблигига эришиш, мумтоз меросимизни ривожлантириш ва келгуси авлодларга етказишдаги аҳамияти фойда муҳимдир.

Ушбу фестиваль кунлари қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳри жаҳон мусиқаси маданияти марказларидан бирига айланади. Зеро, тенгсиз меъморий обидалари ва замонавий қиёфаси билан Шарқ оламининг ўлмас руҳини, унинг бетакдор жозибасини намўн эътидан бу боқий шаҳар фестивалининг маъно-мазмуни ва фалсафасини бойитишда катта ўрин тутаяди.

— «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг ижодини ташаббус қилган ҳақида нима дея оласиз?

— Мақом шундай йўналиши, уни танлаган ва машаққатлардан чўчимай астойдил интилган ижодкор, албатта, халқнинг олқишини олади. Санъатда ўз йўлини топишимда мазкур фестивалнинг аҳамияти фойда катта. Чунки ўтган йиллар давомида таниқли санъаткорларимиз Муножот Йўлчиева, Насиба Сатторованинг мазкур фестивалдаги ёрқин чиқиши миллий мусиқа меросимизнинг жаҳон маданиятидаги ўрни фойда буюк эканини яна бир бор исботлади. Уларнинг ютуғи мени ҳам мазкур нуфузли анжуманда иштирок этишга даъват этди. Аммо дунёнинг барча қитъаларидан келган санъаткорлар билан ижодий баҳсга киришиш осон бўлгани йўқ.

Уша йили Сойибжон Ниёзов билан биргаликда Фаттоҳжон Мамадалиев мусиқаси ва Хайратий ғазали билан айтувчи «Топмадим» катта ашуласини ижро этдик. Шунда мумтоз кўшиқчилигимизнинг жаҳон классик мусиқасидаги ўрни фойда буюк эканига яна бир бор амин бўлдим. Миллий либосда, ликопча тутиб кўшиқ куйлашимиз турли миллат вакилларида катта ҳаяжон уйғотди. Фестивалнинг иборат нуфузли ҳайрат аъзолари ижромини юқори баҳолаб, биринчи ўринга лойиқ кўрди.

— Бугунги ёшларда мумтоз санъатимизга меҳр ва иштиёқни кўчатиришда кўпроқ нима-ларга эътибор қаратмоқ керак?

— Халқимизда «олтин зангламас», деган нақл бор. Мақомчилик, катта ашулада ажодларимизнинг бой маънавияти ва маърифати, эзгу орзу-интилишлари мужассам. Ҳожи Абдула-



зиз Абдурасулов номидаги Самарқанд мусиқа коллежиди, сўнгра ҳозирги Ўзбекистон давлат консерваториясининг аънавий ижрочилиқ бўлимида таҳсил олганимда устозларимдан мақом санъатининг сирларини ўргандим. 1999 йили Юнус Ражабий номидаги Мақом ансамблида фаолият бошладим. Бу ерда Ўзбекистон халқ ҳофизлари Орифхон Ҳотамов, Эсон Лутфуллаев, Бекназар Достмуродов, Маҳмуджон Тожибоев, Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳасим Исмоилов билан биргаликда мақом йўналишида ўнлаб кўй-қўшиқларга сайқал бердик. Уларнинг кўпчилиги бугун халқимиз маънавий хазинасидан жой олган.

Мақомни англаб ижро этиш

учун хонанданинг, аввало, руҳи тоза бўлиши керак. Ана шундай ижронинг тинглаган муҳлис ҳам ўзида руҳан покланиши ҳис қилади. Бунга ўзим гувоҳи бўлган бир воқеани айтиш: Самарқандда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали олдидан ўтказилган саралаш жараёнида барча қитъалардан келган хонанда-созандалар ўз санъатини намойиш этди. Ана шундай бахслардан бирида Ўзбекистон халқ артисти Абдулаҳад Абдурашидов найда ҳинд, озарбайжон, араб, эрон ва Европа халқларининг классик мусикаларини моҳирлик билан ижро этдики, барча хайратланди. Аммо ҳарчанд уринишмасин, бирор-бир миллат вакили «Чўли ирок»ни чалиб беролмади. Мумтоз мусиқамиз ана шундай сирли, сехрли куч-қудратга эга.

Президентимиз ташаббуси билан олиб бориладиган ислохотлар жараёнида мусиқага эътибор, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг эркин ижод қилиши ва санъатимизни юксак чўққиларга кўтаришга муносиб ҳисса қўшиши учун яратилган барча шарт-шароит мумтоз санъатимизни янги асосда раванг топтиришда муҳим омил бўлмоқда. Давлатимиз раҳбарининг қарори билан тасдиқланган давлат дастури асосида болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, фаолияти янада такомиллаштирилмоқда.

— «Шарқ тароналари» фестивалининг жаҳон мусиқа санъати ривожидидаги аҳамияти қандай?

— Мусиқа инсон ҳис-туйғуларини, орзу-истакларини ўзига



хос бадий тилда ифода этади ва кишининг ҳиссиётига, эстетик ва ахлоқий тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Гузалликка бўлган интилишнинг ривожланишига замин яратаяди. Шарқ мутафаккирлари минг йиллар аввал мусиқий фалсафа, мусиқий тарбиянинг инсон камолотидаги ўрнига алоҳида эътибор қаратган. «Шарқ тароналари» фестивалининг ўзига хос хусусияти ҳам яхши куй ва кўшиқ тимсолида элу элатлар ўртасидаги ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, одамларни руҳий камолот, маънавий баркамолликка рағбатлантиришдир. Фестиваль шу жиҳати билан ёш авлод камолоти учун фойда катта аҳамиятга эга.

Шу кунларда Самарқандда «Шарқ тароналари» тўққизинчи халқаро мусиқа фестивалини ўтказишга тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрами арафасида бўлиб ўтадиган мазкур нуфузли анжуманда юртимизнинг бой маданий-маънавий меросини турли халқлар вакиллари ҳам бир бор намойиш этиш моҳир хонандаю созандалар, етакчи бадий жамоаларимиздан алоҳида масъулият талаб қилади. Ўйлаймани, санъаткорларимиз бунга аъло даражада уддалай оладилар.

ЎЗА мухбири
Матназар ЭЛМУРДОВ
сўхбатлашди.

Спорт

Шижоатли ўсмирлар Нанкинда

16-24 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўсмирлар ўртасида 2-Осиё ўйинлари бўлиб ўтди.

Бугун спортчилар истикомат қилаётган шаҳарнинг юртимиз делегацияси жойлашган қароргоҳда Ватанимиз байроғи кўтарилади. Эртага ўтказиладиган мусобақанинг тантанали очилиш маросимида спорт делегациямизни оғир атлетикачимиз Шаҳзод Худойберганд Ватанимиз байроғини баланд кўтарганча бошлаб боради.

Мусобақаларда 64 нафар ўсмир-спортчимиз баскетбол, дзюдо, енгил атлетика, оғир атлетика, стол тенниси, сузиш, таэквондо (WTF), теннис, ўқ отиш ва қиличбозлик турларида ғолиблик учун курашга киришади.

Биз спортчиларимизга 2-Осиё ўйинларида омад ва галаба тилаймиз.

Ҳамюртимиз иккинчи босқичда

Халқаро гроссмейстеримиз Антон Филиппов Норвегиянинг Тромсе шаҳрида ўтаётган жаҳон кубогининг биринчи босқичидан муваффақиятли ўтди.

Шоҳматчимиз биринчи ўйинда оқ доналарни сурганига қарамай, россиялик Евгений Власов билан дурангга имзо чекди. Иккинчи ўйинда эса қора доналарда рақибини 50-юришда мағлубиятга учратди. Энди у иккинчи босқичда исроиллик таниқли гроссмейстер Борис Гельфандга қарши дона суради.

Асрор МҮМИН

Бугуннинг гапи

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу йилги ёз чилласининг охири кунлари, яъни 26 июлдан республикамиз ҳудудига Эрондан Туркистон орқали жуда иссиқ ҳаво оқими кириб келиши натижасида мамлакатимиз ҳудудининг асосий қисмида ҳарорат 40-42 даражага кўтарилган. Энг иссиқ кунлар эса июль ойининг охириги уч кунлигига тўғри келди. Яъни, 29, 30, 31 июль кунлари юртимизнинг айрим ҳудудларида 43 даражадан ҳам юқори ҳарорат қузилган. Аммо ёз фаслининг бу қадар иссиқ келиши Ўрта Осиё минтақаси, шу жумладан, республикамиз иқлимига хос бўлган жиҳатдир. Қолаверса, мамлакатимиз серкувеш ўлка бўлганлиги боис, 40 даража ҳарорат меъёрий ҳолат ҳисобланади.

Июль ва август ойлари

жазирамаси ҳамда ёмғирли кунлари ҳақида мутахассислар фикри

2008 йилда ҳам июль ойининг охириги ҳамда август ойининг бошларида, яъни 28 июлдан 3 августга қадар 7 кун мобайнида мамлакатимиз ҳудудига жуда иссиқ об-ҳаво шароити қузилган. Бир ҳафта давомида кундузги ҳаво ҳарорати пойтахтимизда 40-43 даражани кўрсатган. Мамлакатимизнинг жанубий қисмида ҳарорат 45 даражагача, чўл ҳудудларида эса 47 даражагача кўтарилган. Ушбу йил чилласининг охириги кунларидаги юқори даражадаги ҳаво ҳарорати 2008 йил июль охири ва август бошларидаги об-ҳавога ўхшагани мутахассислар таъкидлашмоқда. Бундан ташқари, бу каби иссиқ об-ҳаво ҳарорати 1997 йилнинг 16-18 июль кунлари ҳамда 1983 йилнинг 28-30 июлида ҳам қузилган. Ушбу вақтларда ҳаво ҳарорати республикамизнинг асосий қисмида 40-43 даража, айрим жойларда 44-45 даража, чўл ҳудудларида эса 47-49 даражагача кўтарилган. Тошкент шаҳрида ушбу йилларда кундузги ҳарорат 44,6 даражага (18 июль 1997 йил) ва 44,5 даражага (30 июль 1983 йил) тенг бўлган.

Хусусан, бугун барчани бир савол қизиқтирмақда: 1 августдан бошлаб, об-ҳаво ҳарорати кескин тушиб кетгани ҳамда ёз ойининг охирида республикамизнинг барча ҳудудларида ёмғир ёқгани сабаби нимада, бундан кейинги об-ҳаво қандай бўлади? Бу саволлар билан

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказининг етакчи синоптик-муҳандиси Гахвар МАМАЖОНОВАга мурожаат қилдик.

— Аввало шунинг айтиб ўтиш лозимки, ўтган йилнинг август ойини ҳозирги ой билан таҳлил қиладиган бўлсак, ўша пайтда ўртача ҳарорат республикамизнинг асосий қисмида 1,5-3 даражага юқори бўлган. Энг иссиқ кунлар 18-22 август кунларига тўғри келиб, айнан шу вақтда ҳарорат кечалари 21-26 даража, кундуз кунлари 38-41 даражага, республикамиз жануби ва чўл ҳудудларида эса кечалари 23-28 даражага, кундузлари 39-43 даражага кўтарилган. 2012 йил август ойининг иккинчи ярмида мамлакатимиз ҳудудига қузилган жуда иссиқ об-ҳаво шароити ҳароратнинг шу давр оралиғи учун кўп йиллик ўртача қийматлардан 3-7 даражага юқори бўлган.

Ушбу йил август ойининг 1-2 кунларида нисбатан иссиқ ҳарорат қийматлари қайд этилган бўлса-да, кейинги кунларда ҳарорат кескин тушиб кетди ва ўзига хос аномал ҳолатга сабаб бўлди. Ҳаво ҳарорати, айниқса, 6 августда республика шимол-ғарбида, 7 август кунини мамлакатимизнинг асосий ҳудуди бўйлаб 5-10 даражага пасайди. Бир кун аввал, яъни 6 августда пойтахтимизда максимум ҳаво ҳарорати 38

даражага тенг бўлган бўлса, 7 августда бу қиймат 29 даражани, яъни 9 даража паст ҳароратни қайд этди. Бундай аномал ҳолатлар рус-публикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам қузилган. Шунга ўхшаш ҳолатлар ўн йилликнинг 2003, 2004 йилларида ҳам қузилганини маълумотлар тасдиқламақда.

Жорий йилнинг август ойидан бошлаб Волгабўйи ҳудудидан нисбатан нам ва салқин ҳаво массасининг республикамиз ҳудудига кириб келиши оқибатида об-ҳавонинг кескин салқин бўлиб ўзгаришига сабаб бўлди. Мамлакатимиз ҳудуди бўйлаб вақти-вақти билан ёмғир ёғиб туриши ҳамда ҳаво ҳароратининг меъёрига қараганда салқинлашиши, айрим жойларда эса меъёрдан 2-4 даражага паст бўлишининг сабаби шундандир.

Хусусан, 10-13 августда республикамизда ҳаво ҳарорати ўзгариб, айрим жойларда ёмғир ёғиб ўтди. 14 августдан бошлаб ушбу ҳафтанинг охирига қадар республикамизда ёғингарчилик қутилмади. Ҳаво ҳарорати кечалари 18-23 даража, кундузлари асосан 33-38 даража атрофида, мамлакатимизнинг чўл ҳудудлари ва жанубида эса 40 даражагача иссиқ бўлиши кутилмоқда.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ
ёзиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки

мамлакатимиз аҳолисини

Мустақиллик байрами билан табриклайди

ҳамда миллий валютада янги мuddатли омонат тури амалга киритилганлигини маълум қилади:

«Мустақиллик»

- ❖ сақлаш муддати — 2 ой;
- ❖ омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;
- ❖ фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўланади;
- ❖ маблағ қабул қилиш нақд ва нақд бўлмаган пул қўри-нишида амалга оширилади.

Омонатга маблағ қабул қилиш 2013 йилнинг 20 августидан 20 сентябрга қадар амалга оширилади.

Жамғармалари бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!

Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.

www.nbu.com

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси

Иш тажрибаси ва ўз моддий-техник базасига эга бўлган барча қурилиш корхоналари, ташкилотларини фуқаролик ва мудофеа иншоотларини капитал қуриш, таъмирлаш ҳамда реконструкция қилишда қатнашиш учун ҳамкорликка таклиф этади.



Ушбу таклифга истак билдирган корхона ва ташкилотлар танлов савдосидаги қуриладиган бино-иншоотлар қиймати-га нисбатан 20 фоиз миқдоридан кам бўлмаган айланма маблағга эга бўлишлари шарт.

Маълумот олиш учун (8-371) 241-41-06 телефони орқали соат 10-00 дан 18-00 га қадар мурожаат қилиш мумкин. Шунингдек, ҳамкорлик қилиш истагида бўлган корхоналар ўз тижорат таклифларини қуйидаги манзилга юборишлари мумкин:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 5-«а» уй, факс: 244-31-39.

Каракалпакский филиал ООО «Агросаноат мулк маркази» сообщает:

14 сентябры 2013 года в 12.00 часов по адресу: город Нукус, ул. А.Темур, дом 122 проводятся открытые аукционные торги, на которых в порядке последовательного роста начальных цен, выставляется на продажу:

автомашина марки «Газ-53», 1990 года выпуска, гос. номер 23 AF 987, принадлежащей банкроту АО «ХАТП-15». Начальная цена 327 000 сум.

Прием заявок от желающих участвовать в аукционных торгах производится с 9.00 до 18.00 ежедневно кроме субботы и воскресенья. Прием заявок прекращается за один день до начала аукционных торгов. Покупатель вносит залог не менее 10 процентов от первоначальной стоимости заявленного имущества на р/с 20208000204970498001, МФО 00585, ИНН 207145085 Каракалпакского филиала ООО «Агросаноат мулк маркази» в АК «Турон» банк.

Информацию об объектах выставаемых на торги можно получить по адресу:

г.Нукус, ул. А.Темур, дом 122. Телефон: 8(361) 222-55-84.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA

Murodilla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Muslihidin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farroh HAMROYEV
(Bosh muharrir 1-o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Iqtisodiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatandorlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55; 233-47-80; Koriyot — 233-72-83.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 846
10561
nuxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 22.15
Topshirilgan vaqti — 00.30

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Toشتهмир ХУДОЙҚУЛОВ

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirojon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7433

17720107433004

1 2 3 4